

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САБИРОВ ДЖАХОНГИР РУЗИЕВИЧ

**ОНКОЛОГИК ТЕРАПИЯ ЖАРАЁНИДА ИММУНОЛОГИК
КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36–Аллергология ва иммунология
14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Сабилов Джахонгир Рузиевич

Онкологик терапия жараёнида иммунологик

коррекция усуллари оптималлаштириш..... 3

Сабилов Джахонгир Рузиевич

Оптимизация методов иммунологической коррекции

в процессе онкологической терапии..... 37

Sabirov Djakhongir Ruzievich

Optimizing immunological correction

methods in oncologic therapy..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 75

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САБИРОВ ДЖАХОНГИР РУЗИЕВИЧ

**ОНКОЛОГИК ТЕРАПИЯ ЖАРАЁНИДА ИММУНОЛОГИК
КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36–Аллергология ва иммунология
14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.2.DSc/Tib727 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация аннотациялари уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Игнатов Петр Евгеньевич
биология фанлари доктори, профессор

Гафур-Охунов Мирза Алиёрович тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гариб Феруз Юсунович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Полатова Жамиля Шогайратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўтақчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «25» 08 соат 14⁰⁰ дақиқ мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55; e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 38 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55.

Диссертация аннотациялари 2023 йил «1» 08 кунни тарқатилади.
(2023 йил «1» 08 дақиқ 04 рақамли реестр баёнотаси).



Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

У.П.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунёда хавfli ўсма касалликлари билан касалланишни ташхислаш ва даволаш соҳасида эришилган ютуқлар ва ташкилий-тиббий чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, унинг учраши анча юқори даражада қолмоқда. Бугунги кунда ЖССТ маълумотларига кўра, «...хавfli ўсмалар бутун дунё бўйлаб ўлим даражаси юқори бўлган кенг тарқалган касалликлардир. 2020 йилда дунё бўйлаб 2,3 миллион аёлга кўкрак беzi саратони ташхиси қўйилган ва касалликдан 685000 аёл вафот этган, яъни саратоннинг бу тури дунёдаги энг кенг тарқалган хавfli ўсма касаллиги ҳисобланад¹. Таъкидлаш лозимки, онкологик касалликларда юқори ўлим даражасининг қайд этилиши, ўсмалар ривожланиш механизмларининг мураккаблиги, ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда улар амалий тиббиётга тадбиқ қилишни талаб этмоқда

Жаҳон миқёсида инсонлардаги хавfli ўсма касалликларининг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш, даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўсмалар ривожланиш механизмларини тадқиқ этиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг самарали патогенетик усулларини ишлаб чиқиш, генотиплаш ва гистокимёвий тадқиқотлар асосида ўсма потогенези хусусиятларини аниқлаш, поликимётерапия фониди ўсма хужайраларининг резистентлигини енгиб ўтиш орқали даволаш, турли хавfli ўсма касалликларининг муҳим иммуногенетик маркерларини аниқлаш, кимё ва радиация таъсирида патологик ўзгаришлар механизмларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга қаторда онкологик касаллик ривожланиш хавфлини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, ҳамда керакли даволаш чора-тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, саратон касалликларини барвақт аниқлашнинг скрининг дастурларини босқичма-босқич ҳамма жойда тадбиқ этиш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, хавfli ўсма касалликлари ривожланишининг клиник-иммунологик ва иммуногенетик прогнозлаш маркерларини аниқлаш ҳамда даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти: <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/breast-cancer>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2866 сон Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Онкологик терапия жараёнида иммунологик коррекция усулларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Institute for Physiological Sciences (Япония), KU Leuven (Бельгия), Max-Planck-Institute fur Molecular Physiologies и Leibniz Institute fur Molecular Pharmacology (Германия), University of Copenhagen (Дания), Albany Medical College (АҚШ), The national cancer Institutien Milan (Италия), Surgical Clinics of North America, Munster multidisciplinary cancer center (Германия), West German cancer center, MDAnderson Cancer Center (АҚШ), German Cancer Research Center (Германия), Department of Pathology and Molecular Medicine, Queens University (Канада), University of Alabama at Birimingham and the Birimingham Veterans Affaris Medical Center (АҚШ), Н.Н.Блохин номидаги РОИМ РТФА (Россия); Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда хавфли ўсмалар билан оғриган беморларни даволаш жараёнида онколитик терапияни иммунокоррекция усуллари билан оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: саратонни даволашда жарроҳлик, кимётерапия билан биргаликда, радиация терапиясини қўллаш самарадорлиги аниқланган (Max-Planck-Institute fur Molecular Physiologies и Leibniz Institute fur Molecular Pharmacology, Германия); кимётерапиянинг радиация терапияси билан биргаликда қўллаш

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: www.cmm.zju.edu.cn, www.ubc.ca, www.sggw.pl, www.uc.edu, www.med.stanford.edu, www.meded.hms.harvard.edu, www.uni-corvinus.hu, www.en.jbnu.ac.kr, www.tau.ac.il, www.ufsc.br, www.gpma.ru других источников

ўз-ўзидан иммуносупрессияни келтириб чиқариши исботланган (M.Munster multidisciplinary cancer center, Германия); ўсмага қарши кимётерапия самарадорлиги иммунитет тизими фаолиятига боғлиқлиги аниқланган (National Institute for Physiological Sciences, Япония); саратон касаллигини даволашда кимётерапия дори-дармонларининг дозасини минималлаштириш унинг ножўя таъсирларини камайтириши аниқланган (University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center, АҚШ); саратон касаллигини комплекс даволашда тимик ва бошқа пептид препаратларини (тималин, тактивин, тимоптин, иммунофан, полиоксидоний ва бошқалар) қўллаш самара бериши аниқланган (Н.Н.Блохин номидаги РОИМ РТФА, Россия; Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида хавfli ўсма касалликларини даволаш натижаларини яхшилаш, онколитик даволаш жараёнини иммунокоррекция усуллари билан оптималлаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш, клиник кечиши ва прогнозини аниқлаш, кўкрак беzi саратони келиб чиқиши хавф омилларини аниқлаш, жарроҳлик аралашуви ҳажми, циторедуктив операциялардан кейин қолдиқ ўсма катталиги асосида кимётерапевтик препаратларни танлаш, онкологик касалликларни ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш, хавfli ўсмаларда даволаш тактикасини танлаш ва замонавий иммунотерапия усулини клиник амалиётга жорий этиш, кимётерапиянинг ножўя таъсирини камайтириши ва шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усуллари танлашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Канцерогенез механизмининг мураккаблиги ва саратон касаллигини даволашнинг қониқарсиз узоқ муддатли натижалари ҳозирда мураккаб ва комбинациялашган даволашнинг турли усуллари билан фойдаланган ҳолда саратон терапиясига индивидуал ёндашувни танлаш долзарб вазифадир. Саратон касаллиги ҳозирда тизимли патология сифатида қаралмоқда. Ўсма жараёнининг ривожланишидаги асосий патогенетик бўғинлардан бири бу организм иммунологик реактивлигининг пасайиши ва иммуносупрессия ҳолати касаллик ривожланишидан анча олдин содир бўлади (Балдуева И.А., 1997; Берштейн ва бошқалар, 1997; Xiao R.G.Y. ва бошқалар, 2017).

Кўп йиллар давомида саратонни даволашда жарроҳлик, кимётерапия ва радиация терапиясига эътибор қаратилган. Wright SE фикрига кўра, «саратон иммунотерапияси» йўналиши янги илмий йўналиш бўлиб, охириги ўн йил ичида олинган натижалар онкологик касалликларни даволашда иммунотерапевтик ёндашув мустаҳкам базага эга бўлган ишончли усул эканлигини кўрсатмоқда. Онкоиммунология соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар маълумотлари шуни кўрсатадики, беморларнинг аксариятида кимёвий терапия препаратлари билан комплекс антитумор даволаш ва радиация усуллари билан сўнг аралаш генезли иммунодепрессия ҳолати

кузатилади. Биринчидан, онкологик жараёнда ўсма хужайраларининг тўсиқсиз кўпайиши иммунитет функциясида дастлабки нуқсон мавжудлиги ҳақида гапиришга имкон беради; иккинчидан, ўсма хужайраларининг ўзи турли хил фаол моддалар ишлаб чиқариши туфайли маҳаллий иммуносупрессив таъсирга эга; учинчидан, замонавий ўсмага қарши комплекс даволаш (жарроҳлик даволаш, радиация ва кимётерапия) умумий иммуносупрессияни келтириб чиқарувчи кучли омилдир. Шу сабаб, саратон билан касалланган беморлар онкологик терапия курсида иммунологик коррекцияни қўллаш кўрсатилган махсус гуруҳини ташкил қилади.

Ўзбекистонда саратон касаллиги билан оғриган беморларнинг турли тоифаларида клиник, иммунологик ва айрим ирсий жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсманинг ҳажми, дифференциацияси ва пролифератив фаоллиги, P53, VEGF-A ва Ki-67 маркерларини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда, онкогинекологик беморларда экстракорпорал иммунофармакотерапия хусусиятлари аниқланди. Т-хелперлар/индукторлар сонининг камайиши ва Т-цитотоксик ва фаоллаштирувчи лимфоцитларнинг кўпайиши, шунингдек, зардобидаги IgG, IgA ва ЦИК концентрациялари туфайли ИРИнинг камайиши билан кечадиган иммунологик ўзгаришлар хусусиятлари (Камишов С.В., 2018) ўрганилган. Лимфоцитларнинг алоҳида субпопуляцияларига селектив таъсир қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва хавфли ўсмалари бўлган беморларда иммунологик бузилишларни экспериментал иммунокоррекция усуллари (Арипова Т.У., 1990; Камалов З.С., 1992) ишлаб чиқилган. Остеоген саркома билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолашда периферик қон лимфоцитларида цитогенетик ўзгаришлар (Полатова Д.Ш., 2015) аниқланган.

Адабиётлар маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, иммунитетимиз онкологик терапия самарадорлигини оширишга қаратилган барча уринишларнинг марказида жойлашгандир. Саратон иммунотерапияси физиологик жиҳатдан энг тўғри ёндашув бўлиб, у организмнинг адаптив иммунитетини фаоллигини кучайтиради. Юқоридагиларни эътиборга олиб, саратон билан оғриган беморларда онколитик терапия жараёнида иммунологик коррекция усуллари оптималлаштиришга имкон берадиган тадқиқотлар амалий тиббиёт учун муҳим ва долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ITD-1109-11/3-10849-сонли «Турли локализациядаги хавфли ўсмаларда кўп дориларга чидамлилиги шаклланиши ва уни бартараф этиш усуллари аниқлашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) ва Ф-4.3.7. «Онкологик беморларда иммунитетнинг молекуляр омилларини аниқлаш» (2009-2014 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хавfli ўсма касаликлариди онкологик терапия жараёнида иммунологик коррекция усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажрибада ЭМРТТнинг соматик хужайралар, гематологик ва иммунологик кўрсаткичларга тизимли таъсирини аниқлаш;

ЭМРТТ таъсирида экспериментда пайвандланган ўсимта ҳамда гематологик аъзоларнинг морфометрик ўлчамлари ва морфологик кўринишини аниқлаш;

Иммунореактивликнинг ўзига хослигини аниқлаш учун бирламчи кўкрак беzi саратони билан касалланганларнинг клиник-иммунологик ҳолатини баҳолаш;

кўкрак беzi саратони клиник кечишида нокулай (HER2/+, интратуморал пролифератив фаоллик) мезонларни аниқлаш;

кўкрак беzi саратони билан касалланган беморларда ЭМРТТ самарадорлигини баҳолаш;

кўкрак беzi саратонида анъанавий даволаш билан оптималлаштирилган мультимодал ёндашувнинг бевосита натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

онколитик терапия жараёнида иммунологик коррегирлаш усулини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган турли локализацияли 196 нафар саратон касаллигига чалинган беморлар ва 100 та лаборатория оқ каламушлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва тажриба ҳайвонлари веноз қони олинган гематологик, биокимёвий, морфологик, гистологик ва иммунологик тадқиқотларда фойдаланилган ўсма ва айрим аъзолар тўқималари иммуногистокимёвий ва морфологик тадқиқотлари ҳам амалга оширилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, тажриба моделлари, гематологик, биокимёвий, морфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор хавfli ўсма пайвандланган тажриба ҳайвонларида ЭМРТТ паренхимал аъзолар (жигар, талок), гематологик, иммунологик кўрсаткичлар ва соматик хужайраларга салбий таъсир кўрсатмасдан, фақат трансформацияланган ўсма хужайралар апоптозини кучайтириши сабабли уларнинг ўсиши ва оғирлигининг камайишига олиб келиши исботланган;

илк бор тажрибада ЭМРТТ нинг тизимли таъсирида периферик қонда гемоглобин миқдори, лимфоцитлар умумий сони CD8+, CD20+ ва CD56 хужайралар сони ортиши фониди базофиллар, моноцитлар CD3+, CD4+, ИРИ, CD95+ ва CD38+ хужайралар сонининг камайиши сабабли Т-хужайравий номутаносибликнинг ижобий томонга бурилиши исботланган;

илк бор кўкрак беги саратонидаги Т-хужайравий иммунтанқислик (CD8+, CD38+ ва CD95+ хужайралари сонининг ортиши фониди CD4+, ИРИ етишмовчилиги) ва зардобдаги ортган IgG ва ЦИК миқдорларининг кимё терапияга (КТ) нисбатан КТ+ЭМРТТ билан комплекс даволанганда ишонарли ўзгариши ҳамда бир қатор ижобий натижаларга (ўсманинг регрессияси кучайди, метастазлар кузатилмади) олиб келиши исботланган;

илк бор Her-2/neu мусбат кўкрак беги саратонидаги хужайравий иммунтанқислик ва гуморал бўғиндаги (ИЛ-1β, ИЛ-6, ИЛ-10, ФНО-а, VEGF-A) цитокинлар миқдорининг кескин ортганлиги КТ+ЭМРТТ билан комплекс даволанганда кимё терапияга (КТ) нисбатан ишонарли тарзда камайиши, ўсма ривожланишининг тўхташи ҳамда онкологик жараённинг объектив яхшиланишига олиб келиши асосланган;

илк бор турли хил хавфли ўсма ҳолатларида онколитик терапияда иммунокоррегирловчи сифатида КТ +АБЛАСТ нинг комплекс қўлланилиши кимё терапиянинг салбий таъсири ва зардобдаги цитокинлар (ФНО-а, ИЛ-6 ва VEGF-A) миқдорининг кескин камайиши ҳамда хужайравий иммунтанқислик ҳолатининг меъёрлашувига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор хавфли ўсма касалликларида организмга ТОР қурилмаси ёрдамида ЭМРТТ нинг тизимли таъсирининг клиник ва иммунологик самарадорлиги аниқланган;

ноқулай прогнозли кўкрак беги саратонини даволашда анъанавий даволаш билан биргаликда ЭМРТТ нинг интеграциялашган усулининг клиник самарадорлиги баҳоланган;

турли шаклдаги хавфли ўсма касалликларида маҳаллий РСВ ва Абласт иммуномодуляторларини қўллаш асосланган;

хавфли ўсма касалликларида онколитик терапия курсида оптималлаштирилган иммунокоррегирловчи ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, тажриба моделлари, гематологик, биокимёвий, морфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, хавфли ўсмада онколитик даволаш: паренхимал аъзолар (жигар, талок), гематологик, иммунологик кўрсаткичлар ва соматик хужайраларга салбий таъсир кўрсатмасдан, фақат трансформацияланган ўсма хужайралар апоптозини кучайтириши, периферик қонда гемоглобин миқдори, лимфоцитлар умумий сони CD8+, CD20+ ва CD56 хужайралар сони ортиши фониди базофиллар, моноцитлар CD3+, CD4+, ИРИ, CD95+ ва CD38+ хужайралар сонининг камайиши, Her-

2/неч мусбат кўкрак беги саратонида хужайравий иммунтанқислик ва гуморал бўғиндаги (ИЛ-1 β , ИЛ-6, ИЛ-10, ФНО-а ва VEGF-A) цитокинлар миқдорининг кескин камайиши, цитокинлар (ФНО-а, ИЛ-6 ва VEGF-A) миқдорини кескин камайиши ҳамда хужайравий иммунтанқислик ҳолатининг меъёрлашувига олиб келиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хавфли ўсма касалликларида ТОР қурилмаси ёрдамида ЭМРТТ тизимли таъсирининг клиник ва иммунологик самарадорлиги аниқланганлиги, ноқулай прогнозли кўкрак беги саратонини даволашда анъанавий даволаш билан бирга, ЭМРТТ нинг интеграциялашган усули ишлаб чиқилганлиги, турли шаклдаги хавфли ўсма касалликларида маҳаллий РСВ ва Абласт иммуномодуляторларини қўллаш асосланганлиги ҳамда онколитик терапия курсида оптималлаштирилган иммунокоррегрловчи ёндашув ишлаб чиқилганлиги касаллик авжланишининг олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

1. Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор хавфли ўсма пайвандланган тажриба хайвонларда ЭМРТТ паренхимал аъзолар (жигар, талоқ), гематологик, иммунологик кўрсаткичлар ва соматик хужайраларга салбий таъсир кўрсатмасдан фақат трансформацияланган ўсма хужайралар апоптозини кучайтириши сабабли уларнинг ўсиши ва оғирлигини камайишига олиб келиши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: хавфли ўсмада онколитик даволаш паренхимал аъзолар (жигар, талоқ), гематологик, иммунологик кўрсаткичлар ва соматик хужайраларга салбий таъсир кўрсатмасдан фақат трансформацияланган ўсма хужайралар апоптозини кучайтириш жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Экспериментда олинган илмий-амалий маълумот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказива унинг ҳудудий филиалларида (Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент ва Бухоро филалари) клиник синовларни ўтқозишга асос бўлган (Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техника ва стандартизация давлат маркази Призидиумининг қарори 22.08.2019 й., № 25)

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ТОР қурилмаси орқали ўзгарувчан электромагнит тўлқинлар билан таъсир этиш хавфли ўсмаларда юзага келиши мумкин бўлган гематологик ва иммунологик асоратларсонини кескин минималлаштиради;

- физиологик апоптозорқали хавфли ўсма жараёни регрессга учрайди;

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

Онкологик касал билан беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиали прејскурантига кўра

шифохонада 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики кўкрак беги саратони билан одатий даволинаётган беморга 2 597 762 сўм дори кимётерапияси учун сарфланади. Агар даволаниш курси 25% фоизга (2 курсга) қисқарган ҳолатларни ҳисобга олсак, ишлаб чиқилган ёндашувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 5 195 524 сўмни ташкил этади. Кўзатувларимиздаги 82 нафар бемор бўйича жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 426 032 968 сўмни ташкил этди.

Хулоса: янги ишлаб чиқилган ёндашувнинг амалиётга жорий қилиниши 1 нафар кўкрак беги саратони билан касалланган бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 5 195 524сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўрта частотали радио тўлкинидан фойдаланган ҳолда хавфли ўсмаларнинг мультимодал терапияси» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 8н-з/355-сон маълумотномаси). мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича услубий тавсиянома чоп этилган ва жорий этилган.

2. Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор тажрибада ЭМРТТ нинг тизимли таъсирида периферик қондагеоглобин миқдори, лимфоцитлар умумий сониCD8+, CD20+ ва CD56 ҳужайралар сони ортиши фонида базофиллар, моноцитлар CD3+, CD4+, ИРИ, CD95+ ва CD38+ ҳужайралар сонининг камайиши сабабли Т-ҳужайравий номутаносибликни ижобий томонга бурилиши исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: илк бор хавфли ўсма касалликларида организмга ТОР қурилмаси ёрдамида ЭМРТТ нинг тизимли таъсирининг клиник ва иммунологик самарадорлиги аниқланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Экспериментда олинган илмий-амалий маълумот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларида (Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент ва Бухоро филалари) клиник синовларни ўтқазишга асос бўлган (Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техника ва стандартизация давлат маркази Президиумининг қарори 22.08.2019 й., № 25)

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: •хавфли ўсма жараёнларини даволашда ўрта частотали радио тўлкинидан фойдаланиш жараённинг қайталаниши ва ривожланишини камайтиришга хизмат қилган. •ТОР қурилмаси орқали ўзгарувчан электромагнит тўлқинлар билан таъсир этиш хавфли ўсмалардаапоптозни кучайтириш орқали жараённи регрессга учратади ва иммунологик барқарорликни таъминлайди;

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Онкологик касал билан беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиали преискурантига кўра, шифохонада кўкрак беги саратони билан 1 даволаниш курси учун одатий даволинаётган

беморга 2 597 762 сўм дори кимётерапияси учун сарфланади. Агар даволаниш курси иккита курсга яъни, 25% фоизга қисқарган ҳолатларни ҳисобга олсак, ишлаб чиқилган ёндашувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 5 195 524 сўмни ташкил этади. Кўзатувларимиздаги 82 нафар бемор бўйича жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 426 032 968 сўмни ташкил этди.

Хулоса: янги ишлаб чиқилган ёндашувнинг амалиётга жорий қилиниши 1 нафаркўкрак беши саратони билан касалланган бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 5 195 524 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўрта частотали радио тўлқинидан фойдаланган ҳолда хавфли ўсмаларнинг мультимодал терапияси» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 8н-з/355-сон маълумотномаси). мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича услубий тавсиянома чоп этилган ва жорий этилган.

3. Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор кўкрак беши саратонидаги Т-хужайравий иммунтанқислик (CD8+, CD38+ ва CD95+ хужайралари сонининг ортиши фонида CD4+, ИРИ етишмовчилиги) ва зардобдаги ортган IgG ва ЦИК миқдорларининг кимё терапияга (КТ) нисбатан КТ+ЭМРТТ билан комплекс даволанганда ишонарли ўзгариши ҳамда бир қатор ижобий натижаларга (ўсманинг регрессияси кучайди, метастазлар кузатилмади) олиб келиши исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: хавфли ўсма касалликларида ТОР қурилмаси ёрдамида ЭМРТТ тизимли таъсирининг клиник ва иммунологик самарадорлиги аниқланганлиги, ноқулай прогнозли кўкрак беши саратонини даволашда анъанавий даволаш билан бирга, ЭМРТТ нинг интеграциялашган усули ишлаб чиқилганлиги, касаллик авжланишининг олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳар ва вилояти филиаллари бўйича клиник бўлимлари амалиётга жорий этилди .

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Кўкрак беши саратонида ЭМРТТ комплекс қўллаш орқали беморларда даволаш натижалари сезиларли даражада ортади, кимётерапия натижасида кузатиладиган саратлар енгил кечади, метастазлар ривожланиши кузатилмайди ва беморнинг ҳаёт сифати яхшиланади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалларининг прејскурантига кўра шифохонада 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики кўкрак беши саратони билан стандарт даволинаётган беморга 2 597 762 сўм дори кимётерапияси учун сарфланади.

Агар даволаниш курси 25% фоизга (2 курсга) қисқарган ҳолатларни ҳисобга олсак, ишлаб чиқилган ёндашувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 5 195 524 сўмни ташкил этади. Кўзатувларимиздаги 82 нафар бемор бўйича жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 426 032 968 сўмни ташкил этди.

Хулоса: янги ишлаб чиқилган ёндашувнинг амалиётга жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 5 195 524 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўрта частотали радио тўлқинидан фойдаланган ҳолда хавфли ўсмаларнинг мультимодал терапияси» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 8н-з/355-сон маълумотномаси). мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича услубий тавсиянома чоп этилган ва жорий этилган.

4. Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор Her-2/neu мусбат кўкрак беzi саратонидаги ҳужайравий иммунтанқислик ва гуморал бўғиндаги (ИЛ-1β, ИЛ-6, ИЛ-10, ФНО-а ва VEGF-A) цитокинлар миқдорининг кескин ортганлиги КТ+ЭМРТТ билан комплекс даволанганда кимё терапияга (КТ) нисбатан ишонарли тарзда камайиши, ўсма ривожланишининг тўхташи ҳамда онкологик жараённинг объектив яхшиланишига олиб келиши асосланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Her-2/neu мусбат кўкрак беzi саратонида ҳужайравий иммунтанқислик ва гуморал бўғиндаги (ИЛ-1β, ИЛ-6, ИЛ-10, ФНО-а ва VEGF-A) цитокинлар миқдорининг кескин камайиши, цитокинлар (ФНО-а, ИЛ-6 ва VEGF-A) миқдорини кескин камайиши ҳамда ҳужайравий иммунтанқислик ҳолатининг меъёрлашувига олиб келиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳар ва вилояти филиаллари бўйича клиник бўлимлари амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: турли хил хавфли ўсмаларда одатий онколитик терапия жараёнида маҳаллий иммуномодуляторларни қўллаш орқали беморларда даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланади, беморнинг хаёт сифатини яхшилайти ҳамда онколитик терапия жараёни кам асоратлар билан енгил кечади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалларининг прејскурантига кўра шифохонада 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики кўкрак беzi саратони билан стандарт даволинаётган беморга 2 597 762 сўм дори кимё терапияси учун сарфланади. Агар даволаниш курси 25% фоизга (2 курсга) қисқарган

ҳолатларни ҳисобга олсак, ишлаб чиқилган ёндашувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 5 195 524 сўмни ташкил этади. Кўзатувларимиздаги 82 нафар бемор бўйича жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 426 032 968 сўмни ташкил этди

Хулоса: янги ишлаб чиқилган ёндашувнинг амалиётга жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 5 195 524 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Хавфли ўсмаларини даволашда оптималлаштирилган иммунокоррегрловчи ёндашув» мавзусида илмий янгиликларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирли илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан берилган 2022 йил 6 июндаги 8н-з/355-сон маълумотномаси.

5. Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор турли хил хавфли ўсма ҳолатларида онколитик терапияда иммунокоррегрловчи сифатида КТ +АБЛАСТ ни комплекс қўлланилиши кимё терапиянинг салбий таъсири ва зардобдаги цитокинлар (ФНО-а, ИЛ-6 ва VEGF-A) миқдорини кескин камайиши ҳамда хужайравий иммунтанқислик ҳолатини меъёрлашувига олиб келиши аниқланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Илмий янгиликнинг аҳамияти беморларда хавфли ўсмалар ривожланишини секинлаштириш, даволаш чоратадбирларида оптималлаштирилган иммунокоррегрловчи ёндашувни қўллаш орқали онколитик асоратларнинг камайишига ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳар ва вилоят филиаллари бўйича клиник бўлимлари амалиётга жорий этилди .

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: турли хил хавфли ўсмаларда белгиланган онколитик терапия жараёнида маҳаллий иммуномодуляторларни қўллаш орқали беморларда даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланади, ҳамда онколитик терапия жараёни кам асоратлар билан енгил кечади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиали прејскурантига кўра шифохонада 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики Юмшоқ тўқималар саркомаси билан даволаниётган беморга дори дармонли кимётерапияга 11 958 400 сўм сарфланади. Даволаниш курси 25% фоизга қисқарган ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак ишлаб чиқилган ёндашувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 3 907 400 сўмни ташкил этади. 55 нафар кўзатувимиздаги беморларни жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 214 907 000 сўмни ташкил этди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалларининг прејскурантига кўра шифохонада Ўпка саратони билан даволаниётган 1 нафар беморга 1 курс дори дармон кимётерапиясига 8 миллион 293 минг сўм сарфланади. Стандарт бўйича даволаниш курси 25% фоизга қисқарган ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак, ишлаб чиқилган ёндошувнинг умумий иқтисодий самарадорлиги бир беморга 16 млн 586 минг сўмни ташкил этади. 59 нафар бемор бўйича ўтказган кузатувимизда жами харажатларини камайтириш ҳисобига жамғарма миқдори 978 млн 574 минг сўмни ташкил қилди.

Хулоса: янги ишлаб чиқилган ёндашувнинг амалиётга жорий қилиниши 1 нафар Юмшоқ тўқималар саркомаси билан касалланган беморни даволашда иқтисодий самара 3 907 400 сўмни ташкил этади; Ўпка саратони билан даволаниётган бемор ҳисобига жами маблағларни 16 586 000 сўмга тежаш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Хавфли ўсмаларини даволашда оптималлаштирилган иммунокоррегирловчи ёндашув» мавзусида илмий янгиликларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирли илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан берилган 2022 йил 6 июндаги 8н-з/355-сон маълумотномаси.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Онкологияда иммунотерапия масалаларига замонавий қарашлар. Тиббиётда онколитик терапия муаммолари (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида замонавий илмий

адабиётлардаги ўрганилаётган масаланинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги фикрларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Муаммоларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ҳолда, ўсмаларга қарши иммунитетнинг клиник, лаборатория ва иммунологик асосларига замонавий қарашлар келтирилган, шунингдек, ушбу муаммонинг ечилмаган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва суллари» деб номланган иккинчи бобида диссертациянинг асосини ташкил этган тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган. Ушбу боб, тадқиқотлар келтирилган ва дастлабки тадқиқотлардан мантиқан давомийлиги сифатида олинган

Тадқиқот дизайни. Биринчи босқич: экспериментал тадқиқотлар ўтказиш. Иккинчи босқич: онкологик беморларнинг клиник ва лаборатор тавсифини ўтказиш. Учинчи босқич: электромагнит радиотўлқинли терапиядан олдин ва кейин беморлар гуруҳидан олинган тўғридан-тўғри тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларини асослаш.

Экспериментал кузатувлар тавсифи. Ушбу бўлимда экспериментал ҳайвонлар сони, уларни даволаш усуллари ва уларни текширишнинг лаборатор усуллари бўйича материаллар келтирилган.

Клиник кузатишлар тавсифи. Ушбу бўлимда клиник, лаборатория, инструментал ва иммунологик усуллар ёрдамида аниқланган онкологик беморлар текшируви натижалари келтирилган.

Биз томондан хавфли ўсма жараёнининг турли локализацияси (қўқрак беzi саратони, ўпка саратони, юмшоқ тўқималар саркомаси) бўлган беморлар тадқиқоти ва уларни даволаш ишлари амалга оширилди. (1 жадвал)

1- жадвал.

Беморларнинг нозология ва ўсимта босқичи бўйича тақсимланиши

Нозологик форма	Беморлар сони	Стадия TNM			
		T1N0M0	T2N1M0	T3N2M0	T4N2M1
Қўқрак беzi саратони	82	12	43	12	15
Ўпка саратони	59	11	26	9	13
Юмшоқ тўқима саратони	55	9	18	11	17
Барчаси	196	32	87	32	45

Назорат тавсифи. Назорат гуруҳига бир хил ёш ва жинсдаги, текширув вақтида соғлом бўлган 36 нафар шахс киритилган.

Экспериментал тадқиқот усуллари. Ушбу бўлимда экспериментларда қўлланиладиган гематологик, гистологик, ва иммунологик усулларнинг аниқ тавсифлари келтирилган.

Клиник тадқиқот усуллари. Клиник тадқиқотларни ўтказиш учун клиник, лаборатория, инструментал ва иммуногистокимёвий тадқиқот усуллари мажмуасидан фойдаланилган.

Электромагнит радиотўлқин терапияси. Онкологик касалликларни даволашга ЭМРТТ усулида “TOP” (оператив реабилитация технологияси)

терапевтик мосламасидан фойдаланилган. Ушбу қурилманинг ишлаш принципи инсон танасига 350±15 кГц ташқи тебраниш ўрта частота диапазолидаги радио тўлқинлар орқали тўлқин узунлиги 909-857 метр, кучланиши 12-16V бўлган ўзгарувчан электромагнит майдон таъсирига асосланган.

Қўлланилган дорилар: "RCV" Иммуномодуляция қилувчи маҳсулот. Бу - иммунитетнинг хужайрали алоқаси, шунингдек, фагоцитозни кучли фаоллаштирувчи доривор восита. Интерферон гамма ишлаб чиқаришни кучайтиради.

"АБЛАСТ" Яллиғланишга қарши иммуномодуляция қилувчи маҳсулот. Биологик фаол озик-овқат қўшимчаси, сертификатланган. Ts-25519364-007:2022.

Диссертациянинг «**Ўзгарувчан магнит майдонининг экспериментал ҳайвонлар гематологик ва иммунологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида хавfli ўсмаларни даволашда экспериментал ҳайвонларда периферик қоннинг гематологик ва иммунологик параметрлари бўйича асосий ўзгаришлар тавсифланган. Шундай қилиб, тадқиқотнинг мақсади индукцияланган ўсимта модели бўлган экспериментал ҳайвонларнинг гематологик ва асосий иммунологик кўрсаткичларига "ТОР" терапевтик мосламаси томонидан яратилган ўзгарувчан магнит майдон таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларнинг натижаларини тақдим этишдан иборат. Белгиланган мақсад ва вазифага эришиш учун экспериментал тадқиқотларда 100 та тажриба ҳайвонлари - оқ каламушлардан фойдаланилган. Тадқиқот электромагнит нурланишни яратувчи биостимулятор бўлган портатив "ТОР" қурилмаси ёрдамида амалга оширилди. Биз электромагнит майдонлар таъсирида кузатишимиз мумкин бўлган гематологик ўзгаришларни ўрганишни мақсад қилдик. Шундай қилиб, қуйида электромагнит радиотўлқин терапияси деб аталадиган экспериментал ҳайвонларга тўлқинларнинг таъсири фонида гематологик тадқиқотлар натижалари тақдим этилади. Вазифаларни бажариш учун каламушлар 4 гуруҳга бўлинган, улардан баъзиларига "Уокер саркомаси" ўсимтаси штамми кўчирилган.

Биринчи гуруҳ экспериментал гуруҳ деб аталган, 5 кун давомида "ТОР" аппарати тўлқинлари таъсирида ўсма жараёни ривожланган каламушлар; иккинчи гуруҳ ТОР қурилмасининг тўлқинлари таъсир қилмасдан ривожланган ўсма жараёнига эга каламушлардан иборат; учинчи гуруҳ эса 5 кун давомида "ТОР" аппарати тўлқинлари таъсири фонидаги соғлом каламушлардан ва тўртинчи гуруҳ ҳеч қандай таъсир ўтказилмаган соғлом каламушлардан иборат эди.

Антитумор фаоллигини аниқлаш учун 5 кун давомида, "ТОР" таъсиридан кейин, тажриба давомида тўлқинлар таъсиридан олдин ва кейин қон намунаси олинган. Тўлиқ қон таҳлили ва периферик қон хужайралари ҳисоби ўтказилди. Шунингдек, электромагнит тўлқинлари таъсири фонида сўйишдан олдин ва кейин экспериментал ҳайвонларнинг периферик қонида CD3+, CD4+, CD8+, CD56+, CD20+, CD38+, CD95+ ифодалари баҳоланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, хужайралар оммавий нобуд бўлмайди, балки трансформацияланган хужайраларнинг апоптози ва иммунокомпетент хужайраларнинг кўпайиши юз беради. Шундай қилиб, имплантация қилинган, Уокер ўсимтаси бўлган каламушларнинг экспериментал ва соғлом (ТОР таъсирсиз) гуруҳлари солиштирилганда, ҳажми бўйича ўсимта ўсишининг тормозланиши - 45,2% ни, оғирлик бўйича - 31,7% ни ташкил этди.

Бундан сўнг, тажриба ҳайвонларининг ўсимта тўқималарига электромагнит радиотўлқинлар таъсиридан олдин ва кейин каламушларнинг гематологик қийматлари таҳлил қилинди. Дастлаб, пайвандланган ўсимтага эга каламушларнинг гематологик спектрига ўзгарувчан магнит майдони таъсир қилишдан олдин ўрганилди. Ўзгарувчан магнит майдонни ўтказишдан олдин гематологик қийматларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳда базофилия, эозинофилия, нейтропения ва лимфопения кузатилган, барча қийматлар сезиларли даражада эди. Ўзгарувчан магнит майдони таъсир қилгандан сўнг, нормал диапазонда енгил моноцитоз, нейтрофилия ва лимфоцитлар кузатилди. Агар солиштирадиган бўлсак, у ҳолда ўсимта жараёнига билан ТОР қурилмаси таъсир қилмаган гуруҳда базофилия, эозинофилия, мийелоцитоз, нейтрофилия ва лимфопения кузатилади. Олинган маълумотларнинг барчаси ишончли.

Ўрганилаётган гуруҳлар бўйича ички органларнинг массаси ва гематологик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган, бу эса барча 4 та гуруҳдаги каламушларнинг ўрганилган массаси граммларда деярли бир хил эканлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида талоқ массасини ўрганиш $0,29 \pm 0,01$ г, экспериментал гуруҳида - $0,52 \pm 0,07$ г, ўсимта гуруҳида ТОР таъсирсиз - $0,77 \pm 0,04$ г ва соғлом гуруҳида ТОР - $0,32 \pm 0,04$ г. Таъкидлаш жоизки, экспериментал гуруҳнинг ўрганилаётган каламуш гуруҳлари ва ТОР ўтказилмаган ўсимтаси бўлган гуруҳ ўртасида талоқ массасида сезиларли фарқ бор. Кўриниб турибдики, экспериментал гуруҳдаги талоқ массаси ТОРдан фойдаланилган ўсимта гуруҳига нисбатан 1,5 баробарга камайган.

Жигар вазнини ўрганиш назорат гуруҳида - $3,55 \pm 0,52$ г, тажриба гуруҳида - $4,58 \pm 0,56$ г, ўсимталар гуруҳида, ТОР таъсирсиз - $5,25 \pm 0,61$ г, соғлом ТОР ўтказилган гуруҳида - $3,33 \pm 0,48$ г.ни ташкил этди. Шуни таъкидлаш керакки, ўрганилган каламуш гуруҳлари қийматлари ўртасидаги сезиларли фарқ назорат гуруҳлари ва ТОР ўтказилмаган ўсимталилар гуруҳи таққосланганда аниқланди.

Гематологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳида каламушлар қонидаги гемоглобин даражаси назорат гуруҳидаги қийматлар билан сезиларли фарқ қилмайди ва деярли бир хил. Гемоглобиннинг сезиларли даражада пасайиши ТОР терапиясиз бўлган экспериментал ҳайвонлар гуруҳида кузатилади. Кўриниб турибдики, гемоглобин даражаси назорат гуруҳи билан солиштирилганда 1,23 марта камайган. Учинчи гуруҳида, яъни соғлом ҳайвонларга ТОР қўлланганида, гемоглобин даражаси меъёردа қолганини кўриш мумкин, яъни ҳеч қандай нохуш оқибатлар аниқланмаган. Бундан ташқари, экспериментал гуруҳлар ва

ТОР дан фойдаланмасдан ўсимтаси бўлган иккинчи гуруҳ ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги кўринади. Шундай қилиб, экспериментал гуруҳда гемоглобин даражасида ТОР дан фойдаланмасдан гуруҳнинг қийматига нисбатан 1,2 марта сезиларли ўсиш кузатилади. Шунинг учун ўсимтаси бўлган экспериментал ҳайвонларда ТОРни қўллаш ноҳўя таъсирларнинг йўқлиги ва гемоглобин даражасининг назорат қийматлари даражасига кўтарилишини кўрсатади.

Эритроцитлар сонини ўрганиш шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳда ва иккинчи гуруҳда ТОР ишлатилмаган ўсимтада каламушларнинг қонидаги эритроцитлар сони назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан сезиларли даражада камайган. Кўриниб турибдики, эритроцитлар сони назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта камайган. Шунинг учун ўсимтаси бўлган гуруҳларда периферик қонда эритроцитлар сони сезиларли даражада камаяди ва ТОР таъсири бўлган гуруҳда ўсимтаси бўлмаган гуруҳга нисбатан эритроцитлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши кузатилади.

Тромбоцитлар сонини ўрганиш шуни кўрсатдики, ТОР ишлатилмаган ўсимтаси бўлган иккинчи гуруҳ ҳайвонларида каламушлар қонидаги тромбоцитлар сони назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,9 бараварга сезиларли даражада камайди. Шу сабабли, ТОР қўлланилмаган ва қўлланилмаган ўсимта гуруҳида периферик қонда тромбоцитлар сонининг камайиши кузатилади ва ТОР ишлатилмаган ўсимтали каламушлар гуруҳида тромбоцитлар сони энг паст бўлган.

Ўзгарувчан магнит майдон таъсиридан сўнг, енгил моноцитоз, нейтрофилия ва лимфоцитлар нормада. Иммунокомпонент хужайралар сони кўпайди ва ўзгарувчан магнит майдон таъсиридан олдинги ва таъсирсиз маълумотларга нисбатан нейтрофил фаоллигининг 2 баравар ортиши, шунингдек, гранулоцитларнинг фагоцитар потенциали ва функционал гетерогенлигининг ортиши кузатилди. Эффектор лейкоцитлар ҳам, 2,1 марта кўпайган. Электромагнит таъсирдан сўнг периферик қондаги лейкоцитларнинг фаоллиги ва / ёки функционал салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар радиотўлқинлари таъсирсиз тажрибага қараганда юқори бўлади ($p < 0,05$).

1-гуруҳда - базофилия, эозинофилия, нейтрофилия, лимфопения. 2-гуруҳда - базофилия, эозинофилия, мийелоцитоз, нейтрофилия, лимфопения, моноцитоз. 3-гуруҳда - базофилия, енгил моноцитоз.

Кейинчалик иммунологик тадқиқотлар ўтказилди, улар иммунитетнинг хужайрали бўғини рецепторлари молекуляр аппаратларини, яъни моноклонал антикорлардан фойдаланган ҳолда Т- ва В-лимфоцитларни ўрганиш имкониятини ўз ичига олади. Шундай қилиб, иммунитетнинг бирламчи бўғини хужайраларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, нейтрофиллар фаоллиги ўзгарувчан магнит майдонга таъсир қилмасдан олдин ва таъсир қилмасдан маълумотларга нисбатан 2 баравар кўпайган, биз ҳам ўсишини кўришга муваффақ бўлдик. нейтрофилларнинг фагоцитар потенциали ҳаяжонли функциянинг ортишида, яъни ўлдирилган стафилококкларнинг сўрилишида, бу нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини оширади.

Шундай қилиб, каламушларнинг қуйидаги гуруҳларида иммунологик тадқиқотлар ўтказилди: 1 гр. - 5 кун давомида "ТОР" аппарати таъсирида бўлган ўсимтали каламушлар; 2 гр. - ТОР аппарати таъсирсиз ривожланган ўсма жараёни бўлган каламушлар; 3 гр. - 5 кун давомида "ТОР" аппарати таъсирида бўлган каламушлар; 4 гр. - каламушлар ҳеч қандай таъсирсиз бузилмаган. Ушбу бобда экспериментал ҳайвонларнинг, хусусан, хавфли ўсмаси ривожланган каламушларнинг иммунологик кўрсаткичлари келтирилган. Ўрта частотали электромагнит тўлқинлар генератори бўлган "ТОР" аппарати таъсирида каламушларнинг иммунореактивлигининг хусусиятлари ўрганилди. Таъсир қилиш ёки йўқлигига қараб, ҳайвонларда Т ва В ҳужайра иммунитетининг асосий белгилари ифодаси ўрганилди. Ҳайвонларнинг гуруҳларга бўлиниши юқорида келтирилган. Лимфоцитларнинг нисбий сони назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштирилганда, ўсимтаси бўлган ҳайвонларнинг 1 ва 2 - гуруҳларида сезиларли даражада бостирилган ($p < 0,05$). Олинган натижалар жадвалда келтирилган. Бундан ташқари, "ТОР" дан фойдаланган ҳолда биринчи гуруҳда лимфоцитлар сонининг 2-гуруҳ қийматига нисбатан 1,5 баравар кўпайиши кузатилади, бу ерда "ТОР" аппарати ишлатилмаган ва лимфоцитлар сони сезиларли даражада камайган. Кейинчалик, иммунитетнинг Т-ҳужайра белгиларининг ифодасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, CD3+ Т-лимфоцитларининг нисбий таркиби назорат гуруҳига нисбатан ўсма жараёни бўлган ҳайвонларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларида сезиларли даражада камайган. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг биринчи гуруҳида CD3+нинг ифодаси электромагнит терапиядан фойдаланмасдан 2-гуруҳга нисбатан ошди. Биз томонидан олинган натижалар ишончли тарзда ажралиб турди ва жадвалда келтирилган ($p < 0,05$). Шундай қилиб, 1-гуруҳ ҳайвонларидаги CD3+ Т-лимфоцитларининг нисбий сони "ТОП" дан фойдаланмасдан иккинчи гуруҳ каламушлари қийматига нисбатан 1,3 баробарга ошди ($p < 0,05$).

